



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 2 декабрь, № 257 (8600)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚАРО САММИТ НАТИЖАЛАРИ САЙЁРАМИЗНИНГ ЯНАДА БАРҚАРОР, ФАРОВОН ВА ХАВФСИЗ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



United Nations
Climate Change



COP28 UAE

DUBAI 2023

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амириклари Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 1 декабрь куни Дубай шаҳрида ўтаётган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP28) асосий ялпи сессияси ишида иштирок этди.



Тадбирда дунёнинг 170 дан зиёд мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари қатнашмоқда.

Давлатимииз раҳбари нутқининг аввалида Бирлашган Араб Амириклари Президентининг таълимий байрами ҳамда тарихий саммитни муваф-

улгурди. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари замонамиизнинг аянчли экологик инқирозларидан бири — Орол фожияси туфайли Марказий Осиё ва унга ёндош минтақаларда, айниқса, жиддий сезилмоқда.

Мамлакатимииз етакчиси йиғилганларнинг эътиборини айрим фактларга қаратди.

Махиллик қисқариши, ҳосилдорликнинг кескин пасайиши ва қўллаб бошқа муаммолар минтақада истиқомат қилаётган миллионлаб одамларнинг турмуши сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимииз “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор

шаббуси доирасида Ўзбекистонда 1 миллиард туپ кўчат экилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида мустақим ҳимоя қалқонини яратиш мақсадида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар барпо этилган туфайли Оролбўйида ҳаво ифлосланиши камаймоқда.

Тадбир кун тартибидagi асосий ма-

зарлар” жамғармасини ташкил этиш бўйича қабул қилинган қарорни юксак баҳолади.

Ушбу механизмлар Жаҳон банки ва халқаро молия институтлари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши, энг аввало, иқлим ўзгаришининг катта азият чекаётган мамлакатларга салмоқли ёрдам беради.

тартибларида кўриб чиқиб бориш таклиф қилинди.

Оролбўйи ҳудудини Инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақасига айлантириш учун давлатимииз раҳбари бу ерда илғор билим, тажриба ва ечимларни қўллаш мақсадида Иқлим технологиялари халқаро экспо-хабини яратиши-



фақиятли ташкил этгани билан самимий кутлаб, Амирикларнинг иқлим ўзгаришига қарши кураш борасидаги глобал ташаббусларини ҳамда “яшил” тараққиётга қўшаётган катта ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, ҳозирги даврда иқлим муаммолари жаҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб

Масалан, Марказий Осиёда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўп, сўнгги йилларда фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми эриб йўқолди.

Тупроқ емирилиши, мунтазам чанг ва кум бўронлари, ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохил-

стратегик вазифаси эканини таъкидлади.

Сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди. 2030 йилга бориб 25 гига-ватт қайта тикланувчи энергия қувватлари барпо этилади. “Яшил” водород ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича илк амалий қадамлар ташланди.

Бундан ташқари, “Яшил макон” та-

саламларга ўтар экан, Ўзбекистон етакчиси қатор таклифларни илгари сурди.

Жумладан, Президентимииз Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли механизмни тезроқ келишига чакирди.

Шу маънода, Марказий Осиё иқлим мулоқоти платформасида ишлаб чиқилаётган Мослашув стратегияси қайд этилди. Давлатимииз раҳбари “Йўқотиш ва

Глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарурлиги, бунда ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари, албатта, инобатга олиниши жуда муҳимлиги қайд этилди.

Бу долзарб муаммони мунтазам равишда, шу жумладан, “Катта еттилик” ва “Катта йиғирмалик” форматлари кун

да барчани яқин ҳамкорликка таклиф этди.

Бундан ташқари, Президентимииз Тошкентдаги “Яшил университет” негизида ташкил этилаётган Иқлим илмий форуми доирасида яқин илмий алмашиш йўлига қўйиш ва қўшма тадқиқотлар ўтказишга чакирди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ (COP28) НУТҚИ

Хурматли делегация раҳбарлари!

Бугунги тарихий саммитга таклиф этилганимиз ҳамда анжуманининг юқори даражада ташкил қилиниги учун Бирлашган Араб Амириклари Президентининг Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён Аъло Ҳазратларига билдирилган самимий миннатдорчилик сўзларига қўшиламан.

Биз Амирикларнинг иқлим ўзгаришига қарши курашдаги глобал ташаббуслари ва “яшил” тараққиётга қўшаётган катта ҳиссасини олқишлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Бирлашган Араб Амириклари халқини Миллий байрами билан чин дилдан кутлайман.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Иқлим муаммолари барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди.

Бу хавф-хатарлар, ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожияси туфайли Марказий Осиёда, айниқса, жиддий сезилмоқда.

Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши

жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди.

Тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва кум бўронлари одатий ҳолга айланди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилмаҳиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда.

Бу глобал хавфлар кенг минтақамизда хатарли нуктага етиб келмоқда.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифасидир.

Сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди.

Биз 2030 йилга бориб 25 гига-ватт қайта тикланувчи энергия қувватларини барпо этамиз. “Яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича илк амалий қадамларни ташладик.

“Яшил макон” ташаббуси доирасида мамлакатимиизда 1 миллиард туپ кўчат экилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар барпо этдик.

Биз Иқлим ўзгаришига қарши фақат бирдамлик ва кенг халқаро ҳамкорлик орқали самарали курашишимиз мумкин.

Бу борада куйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли механизмни тезроқ келиши таъминлаш тарafdоримиз.

Бу борада куйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

Кеча “Йўқотиш ва зарарлар” жамғармасини ташкил этиш бўйича қабул қилинган муҳим қарорни юксак баҳолаймиз.

Иккинчидан, глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарур.

Бунда ривожланаётган давлатларнинг

манфаатлари албатта инобатга олиниши шарт. Бу муаммони “Катта еттилик” ва “Катта йиғирмалик” форматларида доимий кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудудини экологик офат зонасидан “инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси”га айлантирмоқчимиз.

Бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспо-хабини яратишда яқин ҳамкорликка таклиф этаман.

Тўртинчидан, иқлим ўзгаришига қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш лозим.

Тошкентдаги “Яшил университет” негизидagi “Иқлим илмий форуми”да давлатларингиз етакчи олим ва экспертларини иштирок этишга чакираман.

Ер деградацияси, сувдан фойдаланиш, озик-овқат хавфсизлиги муаммолари Форум кун тартибидан жой олади, деб ишонаман.

Бешинчидан, БМТ билан 2024 йили

Ўзбекистонда “Иқлим миграцияси” конференциясини ўтказиш ниятидамиз.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандик” дастури”ни ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этишни таклиф қиламан.

СОР Ешлар конференциясини мамлакатимиизда юқори даражада ташкил этишга тайёрмиз.

Хурматли дўстлар!

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича умумбашарий гоъларга доимо содиқдир.

Бу эзгу мақсадда келгуси йили Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг алоҳида резолюциясини қабул қилиш ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга чакираман.

Ишончим комил, бугунги саммитимииз сайёраимиизнинг янада барқарор, фаровон ва хавфсиз келажагини таъминлаш йўлида дўст халқларимиизни яқинлаштиришга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛА



Шу йилнинг 9 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳосилдорликни оширишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Таҳлил ва танқид руҳида кечган йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, бугун дунёда кечаяётган турли зиддиятлар иқтисодий тармоқларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу каби омиллар озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжири яратиш борасидаги ишлар кўламини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этаётгани айни ҳақиқат.



китоб, ижро интизоми яхши йўлга қўйилмагани соҳадаги яна бир долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва танқид руҳида ўтган йиғилишда қайд этилганидек, ҳозирда 122 та кластернинг Қишлоқ хўжалиги жамғармаси ва фермерлар олдига қарздорлиги мавжуд. Бундан ташқари, 6 та кластернинг ишлаб чиқариш қуввати йўқ бўлса-да, уларга имтиёзли кредит ажратиб берилган.

Таъкидлаб қўйиш керакки, кластерлар қишлоқ хўжалигида эртанги кун истиқболли таъминловчи муҳим тармоқдир. Шу сабабли бугун мамлакатимизда ушбу соҳа фаолиятини жаҳоннинг энг илгор аъёни ва тажрибалари асосида ривожлантириш жуда ҳам зарур.

лик кластерлари ҳам бор. Уларнинг ибратли тажрибаси эътиборга лойиқ. Мисол учун, Навоий вилоятидаги "Навбахор" кластери томонидан хориждан олиб келинган янги пахта нави ўртача 70 центнердан зиёд ҳосил бераётди. Натигада унинг таннархи бошқа турдош корхоналарга нисбатан қарийб икки баробар арзонга тушяпти.

Йиғилишда алоҳида эътироф этилганидек, бугунги шароитда пахта уруғчилиги бўйича янгича ёндашувлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис келгуси йилдан ҳар бир вилоятдаги балл бонитети паст, сурғорил қийин бўлган ва ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмайдиган биттадан туманда 70 — 80 центнердан юқори ҳосил берадиган пахта уруғини четдан олиб келишга рухсат этилади. Ўз навбатида, 30 центнердан паст ҳосил бераётган навларни экиш тўхтатилиб, уруғчилик институтлари томонидан ишлаб чиқилган янги серхосил навлар билан алмаштирилади.

Унутмаслик керакки, кластерлар қишлоқ хўжалигида эртанги кун истиқболли таъминловчи муҳим тармоқдир. Шу сабабли бугун мамлакатимизда ушбу соҳа фаолиятини жаҳоннинг энг илгор аъёни ва тажрибалари асосида ривожлантириш жуда ҳам зарур.

Ижро интизоми муҳим

Кластер корхоналари ва фермер хўжалиқлари ўртасида ҳисоб-

маблағ бериш орқали молиялаштирилади. Ўз навбатида, пахта ҳосилини чуқур қайта ишлашга алоҳида маблағлар ажратилади. Шу сабабли кластер ва фермер хўжалиқларини молиялаштиришнинг янги тартибини йўлга қўйиш, улар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Кластерлар фаолиятини халқаро молия стандартларига ўтказиш борасида топшириқ берилди.

Қўшимча қиймат занжири

2023 йилги пахта ҳосилини тўлиқ қайта ишлаш орқали келгуси йили мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 9,6 миллиард долларга ҳамда экспортни 4,5 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда.

Айни йўналишда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида, Қорақалпоғистонда истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этила бошлангани эътиборга лойиқ. Бу корхоналар 2024 йили ишга туширилади ҳамда тадбиркорларга саноат ипотекаси асосида берилади. Янги корхоналарда 1,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида ушбу тармоқни ривожлантириш учун газлама-мат, бўяш ва тикувчилик бўйича янги қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилади. Хусусан, бўялаган матнинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини ички бозорга сотган корхоналар ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўлайди. Уларга мол-мулк солигини 3 йил

Мухтасар айтганда, белгиланаётган чораларнинг барчаси эл-юртимиз фаровонлиги, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, энг муҳими, халқимизнинг ҳаётдан розилигига эришишга хизмат қилади.

Абдимўмин АЛИҚУЛОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг иқтисодий факультети декани, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

давимида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди. 2025 йил 1 январга қадар пахта ва сунъий товлани импорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари учун зарур технологик усуналар ҳамда эҳтиёт қисмларини импорт қилишда улар боғжона божидан озод этилади.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжири яратиш муҳим. Соҳадаги имкониятлардан фойдаланиб, янги лойиҳаларни кўпайтириш орқали бунга эришиш мумкин.

Инновация ва илмий ёндашув зарур

Бугун дунёда озиқ-овқат тақчиллиги кузатилаётгани, уларни етказиб бериш занжирлари узилганлигига қўйиб қўйиб бўлмайди. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳаси унмдорлигини ошириш ҳамда бу борада тегишли чоралар кўришни тақозо этади.

Шунинг учун йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлар раҳбарларига йирик лойиҳаларни амалга ошириш топширигини берди. Таъкидланганидек, ҳосилдорлиги паст 16 минг гектар боғ ва 10 минг гектар тоқзорларда йилга ўртача 100 миллион доллар даромад бой берилаётди. Хусусий инвестицияларни жалб қилиб, яроқсиз боғ ва тоқзорлар ўрнида янги интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш лозим. Давлат корхоналари балансидаги носоҳавий боғ ва тоқзорларни кулай шартларда тадбиркорларга тақлиф қилиш зарурлиги қайд этилди. Томорқаларда эртаги ва такрорий экинлар майдонини 1 миллион 61 минг гектарга етказиб, 500 минг нафар аҳолини банд қилиш зарурлиги айтилди. Бу, албатта, юртимизда озиқ-овқат нархи кўтарилишининг олдини олишга ҳамда аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Дарвоқе, нарх барқарорлигини таъминлаш мақсадида йил якунига қадар чорва ва парранда бўши етиштиришга бюджетдан 230 миллиард сўм субсидия ажратилади, дон маҳсулотларини сақлаш учун 8 та йирик омборхона ташкил этилади. Келгуси йили 1 миллион тонна балиқ етиштириш йўлга қўйилади. Йиғилишда мутасаддиларга Словения тажрибаси асосида 50 та замонавий қичик ховузни ишга тушириш, 35 минг гектар сунъий хавзаларга аэротур ўрнатиб, ҳосилдорликни 3-4 баробар ошириш, хонбалиқ, соса, бақра каби совуқ сув балиқларини етиштирувчи хўжалиқларни 35 тага етказиш бўйича топшириқ берилди.

Инсон қадри

КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН ОСТОНАСИ

Одатда, аксарият ёшлар оила қуриш арафасида ёки ундан сўнг уйли бўлишади. Лекин Ховос туманининг Фарҳод маҳалласида яшовчи Хайриддин Шарофов ўн тўққиз ёшида ўз хонадонига эга бўлди.

Гап шундаки, етим ва ота-она миз томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганларни қўллаб-қувватлаш борасида берилаётган юксак эътибор туфайли рўзгорнинг барча анжомлари билан жиҳозланган икки хонали уй топширилди.

Тақдир экан, Хайриддин ва унинг опаси ота-онасидан эрта ажради. Жигарининг хонадонидан, уларнинг васийлигида воёга етди. Имтиёзли равишда олий таълим талабаси бўлди. Яъни Хайриддин ҳозир Гулистон давлат педагогика институтининг математика ва информатика йўналишида таҳсил олмақда. Кўзлари ёниб турган йигитнинг орзулари кўп ва ибрат қилса арзиғулик.

— Менга уй берилаётгани бўйича кўнғироқ бўлган кун ҳаётимдаги энг унутилмас сана бўлиб қолади, — дейди Хайриддин Шарофов. — Уша кун тантанали топшириш маросимидан сўнг қалитни олиб, хонадонга кирдим. Янги уйимда яшаш учун керакли барча нарса борлигини кўриб, бундай катта гамхўрликдан бошим осмонга етди. Ҳа, икки хонали уйим тўлиқ жиҳозланган, фақат унда яшаш керак, холос. Мақсад қилдимки, "Яшаганда ҳам ҳар бир куним, ҳар лаҳзаимни шу азиз Ватаним, халқим учун нимадир фойдали иш қилишга бахш этаман, одамларга яхшиликлар улашаман".

Хайриддин олий таълим масканида ўқиш билан бирга ахборот технологиялари бўйича ҳам қўшимча машғулотларда қатнашиш ниятида. Қолаверса, келгусида магистратура босқичида ҳам ўқиб, танлаган йўналишининг малакали мутахассиси бўлишни ўзига қатъий мақсад қилиб олган.

Сирдарё вилоятида Хайриддин Шарофов каби ўз уйига эга бўлган ва ҳаётнинг раван йўлига тушиб олган ёшлар бўйича яна қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин.

Буни биргина 2021 — 2023 йиллар давомида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 82 нафар болага давлат томонидан уй-жойлар берилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шунингдек, кейинги йилларда ташкил этилган оилавий болалар уйлари ҳам етим ва ота-онасидан маҳрум бўлган ўғил-қизлар учун том маънода оила аталмиш меҳр гўшасининг ҳақиқий аъзолари бўлишга имкон берди. Болалар оила, деган ўз кўрғонларига эга бўлди ва уларнинг кундалик ҳаётига ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла каби тушунчалар тўла-тўқис кириб келди.

— Президентимизнинг "Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгилашган тизимини жорий этиш, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шакллари аммалиётга киритиш, уларни муқтақил ҳаётга тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Гулистон шаҳри, Гулистон ва Мирзаобод туманларида жами 8 та Оилавий болалар уйи ташкил этилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сирдарё вилояти бошқармаси бош мутахассиси Фарҳод Норинбердиев. — Ушбу оилавий болалар уйларида жами 52 нафар бола тарбияланмоқда.

Жўраҳон Каримова кўп йиллар Гулистон шаҳридаги "Болалар шахарчаси"да психолог бўлиб ишлаган. Айни пайтда Оилавий болалар уйининг онаси. Турмуш ўртоғи билан Оилавий болалар уйи ташкил этиб, 7 нафар ўғил-қизни тарбиясига олган. У "Болалар шахарчаси"да меҳнат қилган мутахассис ҳамда Оилавий болалар уйи онаси сифатида айтдики, энди бу болалар кўча-қўйда, мактабда, қаерда бўлмасин, бемалол "уйимиз", "онам", "отам" деган сўзларни айтиш имкониятига эга бўлди.

Дарҳақиқат, оилавий болалар уйлари ўнлаб ўғил-қизларнинг оила муҳитидан тўлиқ тазо баҳраманд бўладиган, шу билан бирга, келажакларининг олтин остонаси бўлди, десак, муболага эмас. Буни уларга қўйилган "Болажоним — хонадоним қувончи", "Янги Ўзбекистоннинг бахтли болалари", "Янги Ўзбекистон болалари", "Болажонларнинг келажаги буюк", "Муқтақилликнинг озод фарзандлари", "Биз — бир оиламиз", "Келажаги баркамол авлод болалари", "Бахтли оиланинг қувноқ болалари" каби номларда ҳам қўриш мумкин. Албатта, яхши ният билан қўйилган бу номлар замиридаги эзгу мақсадлар, албатта, ижобат бўлади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси ва касоба уюшмаси педиатрия, стоматология, халқ табиоти, тиббий педагогика ва сурдотаржимонлик факультетининг 2-сон оилавий тиббиётда ички касалликлар кафедраси профессори А. Гадаевга волидаи муҳтарамаси

Мунаввар ая ФАНИЕВанинг вафоти муносибати билан чуқур тўзла изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚҮЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бошқарув социологияси ва психологияси кафедраси профессори (0,75 штат бирлиги);
Давлат тузилиши ва бошқарувнинг ҳуқуқий асослари кафедрасининг профессори (0,5 штат бирлиги), доценти (1 штат бирлиги);
Иқтисодийёт ва молия кафедрасининг профессори (1 штат бирлиги), доценти (1 штат бирлиги), катта ўқитувчиси (0,5 штат бирлиги);
Менежмент назарияси ва амалиёти кафедрасининг профессори (0,5 штат бирлиги), доценти (1 штат бирлиги), катта ўқитувчиси (1 штат бирлиги);
Давлат бошқарувининг сиёсий асослари кафедрасининг профессори (1 штат бирлиги), доценти (0,5 штат бирлиги);
Бошқарув маҳорати кафедрасининг профессори (0,5 штат бирлиги), доценти (1 штат бирлиги);
Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари кафедрасининг доценти (0,25 штат бирлиги).

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза;
- Ҳодимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- Паспорт нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати (Илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);

6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Танловда қуйидаги номзодларга устуворлик берилади:

- тегишли ихтисослик бўйича илмий даража (DSc ёки фан доктори, PhD ёки фан номзоди) ёнги илмий унвонга (доцент, профессор), шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фан доктори (DSc) ёки фалсафа доктори (PhD) ёнги унга тенглаштирилган бошқа илмий даража ва унвонларга эга бўлган (катта ўқитувчи учун талаб этилмайди);
- давлат тилини мукамал, шунингдек, хорижий тиллардан бирини (инглиз, француз ва немис) эркин даражада билиши ва IELTS/TOEFL сертификатига эга бўлган (CEFR B2, C1, C2);
- "SCOPUS" ва "WEB OF SCIENCE" базаларига киритилган нуфузли журналларда мақола чоп этганлиги ва "h-index"га эга бўлган;
- зарур касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ҳамда қўникмалар (педагогик маҳорат, жамоа ва тингловчилар билан самарали ишлаш олиш)га, замонавий рақамли технологиялардан ва ўқитиш усулларидан (мастер-класс, кейс-стади, геймификация, менторинг, фасилитация) эга бўлган;
- дарс жараёнида ахборот-коммуникация

технологиялари ва амалий дастурлардан, электрон бошқарув ва рақамлаштириш воситаларидан, очик маълумотлардан фойдаланиш билим ва қўникмаларига эга бўлган;

- тегишли кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган (катта ўқитувчи учун талаб этилмайди);
- тренинг ўтиш учун махсус тренерлар тренингларида фаол иштирок этган ва тегишли сертификатга эга бўлган;
- андрогика ўқитиш технологиялари асосида дарс машғулоти ўтадиган ва тренинглар учун сценарий ва материалларни ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлган;
- ижобий хулқ-атворга (мулоқот, юриш-туришда, интизом талабларига амал қилишда) эга бўлган;
- мутахассислиги бўйича халқаро нуфузли ("TOP — 500") олий таълим муассасасини тамомлаган ёки унда фаолият юритган, шунингдек, малака оширган ёки стажировка ўтаган номзодлар.
- Талабгорлар ҳудудлар ва хорижий хизмат сафарларига чиқишга тайёр бўлиши лозим.
- Кафедра ихтисослигидан келиб чиқиб, қўшимча қўйиладиган талаблар билан академиянинг расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Ҳужжатлар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси 45-уй.
Телефонлар: 71-232-60-62, 71-239-89-00.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрофта Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва мўаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг қўлиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.47 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6